

## Тазкия дарслари (152-дарс). Бидъат

**ТАЗКИЯ**  
152-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

A circular portrait of a man with a white beard and a white turban, wearing a light-colored jacket, speaking into a microphone. The background of the portrait is a patterned Islamic geometric design.

17:00 / 04.09.2021 2986

Эҳтиёт бўлиш лозим бўлган қалб хасталикларидан бири бидъат ҳисобланади.

«Бидъат» сўзи луғатда «бир нарсани янгитдан пайдо қилиш» деган маънони англатади.

«Бидъат»нинг шаръий истилоҳи – таърифига келадиган бўлсак, уламолар бу масалада бир хил фикрга иттифоқ қилмаганлар. Мазкур таърифларнинг ҳаммасини жамлаб, таҳлил қилган мутахассислар уларни икки асосий йўналишга тақсимлайдилар.

Биринчи йўналишдаги уламоларга имом Шофеъий ва у кишининг мазҳабидаги уламолардан Изз ибн Абдуссалом, Нававий, Абу Шома, моликийлардан Қурофий ва Зарқоний, ҳанафийлардан Ибн Обидийн, ҳанбалийлардан Ибн Жавзий ва зоҳирийлардан Ибн Ҳазм киради.

Бу йўналишдаги уламолар бидъатни, ибодатларда бўлсин, одатларда бўлсин, яхши бўлсин, ёмон бўлсин, Қуръон ва Суннатда йўқ ва янги пайдо бўлган нарса, деб таърифлайдилар.

Бу йўналишдаги таърифларнинг маъносини ўзида тўла акс эттирган таъриф Изз ибн Абдуссаломнинг таърифи бўлиб, унда: «Бидъат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлмаган нарсадир», дейилган.

Биринчи йўналишдаги бидъат уламолар таърифида бир неча турларга тақсимланади:

**1. Вожиб бидъат.** Наҳв илмини ўрганиш бидъатнинг шу турига киради. Чунки бу илмни билмай туриб, Қуръон ва Суннатни билиб бўлмайди. Бу икки манбани ўрганиш вожиб. Вожибни бажаришга хизмат қиладиган нарса ҳам вожиб бўлади. Демак, Қуръон ва Суннатни ўрганиш учун наҳвни ўрганиш вожиб.

Бу нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлмаган. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг даврларида наҳв илмини ўрганиш борасида биринчи қадам қўйилди.

**2. Ҳаром бидъат.** Қадария, Жабрия, Муржиъа ва Хавориж мазҳаблари. Булар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлмаган.

Уларнинг ҳаммаси кейин чиққан ва Исломга қарши ақийда ва фикрларни ўзларига шиор қилиб олган. Бу мазҳабларга юрганлар диндан чиққан ҳисобланади.

**3. Мандуб бидъат.** Мадрасалар ташкил қилиш ва таровеҳ намозига ўхшаш нарсалар. Булар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида бўлмаган, кейин йўлга қўйилган ва фойдали бўлгани учун «мандуб» деб баҳоланган бидъатлардир.

**4. Макруҳ бидъат.** Масжидларни нақши нигор билан безашга ўхшаш нарсалар.

**5. Мубоҳ бидъат.** Намоздан кейин қўл бериб кўришиш ва ейиш, ичиш, кийишда лаззат ва чиройни ихтиёр қилиш кабилар.

***«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди***